


ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI MUĐOFAA VAZIRLIGI



**Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида
тарбиялаш бўйича услубий
ҚЎЛЛАНМА**

Тошкент – 2018 йил



Ёш авлодимизда қатъий ҳаётий позиция ва Ватанимиз тақдири учун юксак масъулият туйғусини шакллантириш алоҳида муҳим аҳамиятга эга. Шунини ҳисобга олиб, мамлакатимизда ўрта мактабдан бошлаб олий ўқув юртлиригача қамраб оладиган узлуксиз ҳарбий таълим ва ватанпарварлик тарбияси бўйича ўзига хос ноёб ва яхлит тизим яратилмоқда.

Ш. Мирзиёев

МУНДАРИЖА

I. Умумий қоидалар.....	4
II. Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг мазмун-моҳияти, мақсади ва вазифалари.....	5
III. Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш тизими.....	7
IV. Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг асосий йўналишлари ва босқичлари.....	9
V. Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг шакл ва услублари.....	12
VI. Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашда давлат ва нодавлат ташкилотлари билан ҳамкорлик механизми.....	12
VII. Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашни ташкил этиш бўйича мансабдор шахсларнинг иш тизими.....	14
VIII. Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг самарадорлиги ва кутилаётган натижа.....	15

Барчамизга яхши маълумки, ватанпарварлик ҳар бир давлат ҳаётининг маънавий асоси ҳисобланади ва жамиятни ҳар томонлама ривожлантириш борасида энг муҳим сафарбар этувчи куч сифатида намоён бўлади.

Ш. Мирзиёев

I. Умумий қоидалар

1. Бугунги кунда дунё шиддат билан ўзгараётган, минтақалар ва давлатлар ўртасида сиёсий, иқтисодий ва мафкуравий курашлар тобора кескинлашаётган бир шароитда мамлакатимиз ёшларини, шу жумладан армиядаги ёш авлод вакиллари ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишлари биз учун янада долзарб аҳамият касб этмоқда.

Дарҳақиқат, ватанпарварлик ёшларда фуқаролик бурчи, шахсий масъулият ҳисси, Ватан тақдирига дахлдорлик туйғусини, фаол ҳаётий позиция ва қатъий эътиқодини, касбий маҳоратини шакллантирадиган қудратли воситадир. Бундан умунли фойдаланган ҳолда ёшларимиздаёт ғояларга қарши мафкуравий иммунитетни шакллантириш, Она-юрт тақдири учун масъулият туйғусини мустаҳкамлаш, уларни ўз касбига садоқатли ва ҳар томонлама етук кадрлар этиб тарбиялаш бўйича аниқ чора-тадбирлар кўришимизни тақозо қилмоқда.

Шу муносабат билан таълим муассасалари, меҳнат жамоалари ва маҳаллаларда уюшган ва уюшмаган ёшлар ҳамда миллий армиямиз сафларидаги ёш авлод вакиллари билан ҳарбий-ватанпарварлик йўналишидаги тадбирларни тизимли ташкил этиш, бу ишларни фаоллаштириш ва юксак даражага кўтариш талаб этилади.

2. Юқоридагилардан келиб чиқиб, ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг **долзарблигини** қуйидагиларда кўриш мумкин:

- **биринчидан**, республика даражасида ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишларини мувофиқлаштириш, яхлит тизимга солиш, мазкур ишлар кўламдорлиги ва натижадорлигига эришиш чора-тадбирлари суи олиб борилаётганлиги;

- **иккинчидан**, ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишларида давлат ва нодавлат ташкилотлари, таълим муассасалари ва кенг жамоатчилик иштирокининг суиблиги;

- **учинчидан**, ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш соҳасида Қуролли тузилмалар, давлат ҳокимияти органлари, жамоат бирлашмалари ва таълим муассасалари ўртасида самарали ҳамкорликнинг йўқлиги;

- **тўртинчидан**, маҳаллаларда, таълим муассасаларида ва ҳарбий қисмларда ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишларини принципиал жиҳатдан янгича ёндашув асосида йўлга қўйиш ва тизимга солишга ҳаётий муҳим эҳтиёж сезилаётганлиги.

3. Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишлари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қонунлари, Президент фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари, Мудофаа вазирининг буйруқ ва директивалари талаблари ҳамда мазкур Қўлланма асосида амалга оширилади.

4. Ушбу Қўлланма чақирувга қадар бўлган ва ҳарбий хизматни ўтаётган ёшларни Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуларини, мамлакат тақдири учун дахлдорлик ҳиссиётини оширишга қаратилган ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишларининг мазмун-моҳиятини ҳамда уларни ташкил этиш тартибini белгилайди.

5. Қўлланма ёшлар билан олиб борилаётган ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишларининг назарий ва услубий асосларини белгилайди ҳамда самарали иш тизимини жорий этади.

6. Мазкур қўлланмада қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилди:

Ёшлар (ёш фуқаролар) – ўн тўрт ёшга тўлган ва ўттиз ёшдан ошмаган шахслар.

Уюлмаган ёшлар – маълум бир касб-ҳунар ва таълим олиш билан банд бўлмаган шахслар.

Тарбия – шахсда муайян жисмоний, руҳий, ахлоқий, маънавий сифатларни шакллантиришга қаратилган амалий педагогик жараён, мазкур йўналишда олиб бориладиган чора-тадбирлар мажмуи.

Ватан – инсон яшаб турган, униб-ўсган жой, ҳудуд, ижтимоий муҳит, мамлакат.

Ватанпарварлик – ўз Ватани, она юрти, халқини чексиз севиш, Ватан манфаатлари учун жонбозлик кўрсатишни англатувчи тушунча.

Ҳарбий-ватанпарварлик – инсоннинг ўз мамлакатидан фахрланиш туйғусини, унинг тақдирига дахлдорлик ҳиссиётини, мустақил Ватанини ҳимоя қилиш ҳамда хавфсизлиги учун фуқаролик бурчи ва масъулиятини англаб етишдир.

II. Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг мазмун-моҳияти, мақсади ва вазифалари

7. Ҳарбий-ватанпарварлик маънавий фазилатлар сирасида муҳим ўринга эга. Ушбу фазилат биринчи ўринда инсоннинг Ватан олдидаги бурчини ҳис этишини, унинг манфаатларини ҳимоя қилишда шахсий жонбозлик, фидойилик кўрсатишини, керак бўлса қаҳрамонликка тайёрлигини англатади.

8. **Ҳарбий-ватанпарварлик руҳидаги тарбия** – тарбиявий ишларнинг таркибий қисми бўлиб, ёш авлодда Ватанни асрашда зарур бўладиган юқори мудофаа ҳиссини, сиёсий, ахлоқий, психологик сифатларни шакллантириш, ҳарбий-техник билимларни эгаллаш, шахснинг жисмоний такомиллашуви жараёнидир.

9. Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш – ёшларда Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуларини шакллантириш, уларни ўз фуқаролик бурчи ва конституцион мажбуриятларини бажаришга, давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя қилишга қодир шахслар этиб тарбиялашга қаратилган давлат ва нодавлат ташкилотлари, оила, маҳалла, таълим-тарбия институтларининг мақсадли, тизимли ва мувофиқлаштирилган фаолиятидир.

10. Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашдан кўзланган мақсад – ёшларда Ватанга садоқат билан хизмат қилиш, юрт тинчлигини асраш, Ватан равнақи учун фаол бўлишга ундайдиган ижтимоий, маънавий-ахлоқий фазилатларни қарор топтириш, мамлакатимизнинг барча соҳалари учун жонкуяр, ҳалол, ўз касбига садоқатли ва етук кадрлар захирасини шакллантиришдан иборат.

11. Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг мақсадидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги **вазифалар** белгиланади:

ёшларни Ўзбекистон Республикаси, унинг халқи ва Президентига садоқат, юксак ватанпарварлик фазилатларини шакллантириш;

ёшларнинг фаол ҳаётий позицияси ва қатъий эътиқодини, Ватан тақдири учун масъулиятини кучайтириш, уларнинг турли кўринишдаги ахборот-психологик ҳуружларга нисбатан мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш;

ёшларда Ватан озодлиги йўлида жасорат кўрсатган буюк аждодларимиз ҳамда Ўзбекистон мустақиллигини ҳимоя қилиш учун жон фидо этган миллий қаҳрамонларимиз билан фахрланиш, уларга муносиб бўлиш туйғусини шакллантириш;

ёшларга буюк тарихимиз, миллий урф-одат, анъана ва қадриятларнинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини чуқур тушунтириш, улар қалбида миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини кучайтириш;

ёшларнинг қалби ва онгига жонажон Ватанимизни ҳимоя қилиш ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчи эканлиги, Ватан чақириғига асосан уни ҳимоя қилишга доим шай туриш, юрт учун фидойи бўлиш лозимлигини чуқур сингдириш;

ёшларга Ватанимизнинг мустақиллиги, юртимиз барқарорлиги ва хавфсизлигини, халқимизнинг тинч ва осуда ҳаётини ҳимоялашда миллий армиямизнинг ўрни ва аҳамиятини, жанговар салоҳиятини кенг тушунтириш;

бугунги кунда амалга оширилаётган Ёшларга оид давлат сиёсатининг моҳиятини, ёш авлод вакиллариغا кўрсатилаётган эътибор, уларнинг интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш учун яратилаётган шарт-шароитларни аниқ мисоллар билан ёшлар онгига сингириб бориш;

ёшларнинг онгу шуурига ўз соҳасининг етук мутахассиси бўлишликни, эгаллаган касбига садоқати ва фидойилиги билан Ватан равнақи ва юрт тараққиётига салмоқли ҳисса қўшиш тушунчаларини етказиш.

12. Ҳарбий-ватанпарварликнинг мазмуни, унинг мақсад ва вазифалари билан белгиланиб, жамият тараққиётига боғлиқдир. Барча соҳалардаги тараққиёт инсоннинг ҳаёт мазмуни, қадриятлари, мақсад ва интилишларига, ўз навбатида Ватанга ва миллий маданиятга бўлган муносабатларига таъсир кўрсатади.

13. Ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясининг асосий мазмунини:

Ватанини ҳимоя қилишда Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг Конституцион бурчини тушунтириш;

мамлакат мудофаасини келгусида кучайтириш масалалари бўйича Ҳукумат қарорлари билан таништириш;

давлатнинг Қуролли Кучлари билан ҳал қилинадиган масалалар, уларнинг вазифаси ва хусусиятларини тушунтириш;

Ўзбекистон Республикасининг “Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғриси”ги қонуни, Мудофаа доктринаси, Ҳарбий қасамёд ва Умумҳарбий низомларнинг тааллуқли қисмини ўргатиш;

ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлашнинг мақсад ва вазифалари, асл моҳиятини тушунтириш;

аждодлар мероси, буюк, мард ва жасур ота-боболаримизнинг жанговар анъана ва удумларини тарғибот қилиш кабилар очиб беради.

14. Ҳарбий ватанпарварлик тарбияси ўзида қуйидаги омилларни қамраб олади:

жисмоний тайёргарликка эга бўлиш;

ҳарбий техника ва ўқ отиш қуролларидан фойдалана олиш;

биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш билимларига эга бўлиш;

ҳарбий машқ ва усулларни қўллай олиш;

фуқаролик бурчи, мажбурияти ва масъулияти англаш ва уларга амал қилиш;

мамлакатнинг стратегик мақсадини билиш;

миллий тарихни билиш ва у билан ғурурланиш;

миллий қаҳрамонлар фаолиятдан хабардор бўлиш;

миллий манфаатларни мазмун ва моҳиятини билиш кабилардир.

III. Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш тизими

15. Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш **тизими** – ўзаро алоқадор, бир-бирини тўлдирувчи ва ҳамкорликда олиб бориладиган сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, ғоявий-мафкуравий ва маданий-маърифий тадбирлар мажмуасидан иборат.

16. Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш тизимини қуйидаги **компонентлар** ташкил қилади:

таълим-тарбия жараёнида қадимий тарихимизни, миллий урф-одат, анъана ва қадриятларни, Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳини шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилган мактабгача таълим, умумий ўрта таълим, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ва олий таълим муассасалари;

ҳарбий-ватанпарварлик йўналишидаги оммавий, маданий, маърифий ва спорт тadbирларини амалга оширадиган давлат ва нодавлат ташкилотлар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, Куролли Кучлар тузилмалари, маҳаллий ҳарбий бошқарув органлари, ҳарбий қисмлар ва муассасалар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи тузилмалар, фахрийлар кенгашлари.

17. Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишларининг асосий **субъектларини** қуйидагилар ташкил этади:

давлат бошқаруви органлари;

жамоат бирлашмалари;

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари;

оммавий ахборот воситалари;

ҳарбий бошқарув органлари;

мактабгача таълим, умумий ўрта таълим, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ва олий таълим муассасалари;

маданият муассасалари (театр, музей, кинотеатр, кутубхона, истироҳат боғлари, тарихий обидалар);

спорт муассасалари (стадион, корт, майдон ва мажмуалар);

болалар соғломлаштириш оромгоҳлари;

миллий ва умумбашарий қадриятлар, маданият, адабиёт, санъат.

18. Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш **объектлари** қуйидагилар ҳисобланади:

мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари;

умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчилари;

ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчилари;

олий таълим муассасалари талабалари;

олий ҳарбий таълим муассасалари курсантлари ва тингловчилари;

ҳарбий хизматчи ёшлар;

корхона ва ташкилотларда фаолият олиб бораётган ёшлар;

уюлмаган ёшлар.

19. Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг асосий **принциплари** қуйидагилардан иборат:

очиклик ва шаффофлик;

илмийлик, тарихийлик;

аниқлик ва тезкорлик;

мунтазамлилик ва фаоллик;

таълим-тарбия жараёнининг уйғунлиги ва изчиллиги;

ёшлар ташаббуси ва қизиқишларини қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш;

эришилган ижобий натижаларга таяниш.

20. Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашдаги **кучларни** қуйидагилар ташкил қилади:

ҳарбий хизматчилар;

ҳарбий пенсионерлар;

захирадаги ҳарбий хизматчилар;

ҳарбий қисм ва муассасаларнинг тарғибот-ташвиқот гуруҳлари;
олий ҳарбий таълим муассасалари;
мудофаа ишлари бошқарма ва бўлимлари;
“Темурбеклар мактаблари”;
ҳарбий касбга йўналтирилган лицей ва коллежлар.

21. Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашдаги **воситалар** сифатида қуйидагилар ҳисобланади:

қурол-яроғ ва ҳарбий техникалар;
ўқув тренажёрлари, махсус жиҳозланган синф, хона ва жойлар;
ҳарбий кийим-кечак ва махсус анжом-аслаҳалар;
кўргазмали-ахборот материаллари (слайд, инфографика, конспект ва ҳок.);
тарғибот-ташвиқот материаллари (баннер, плакат, панно, флайр ва ҳок.);
ҳужжатли фильм, махсус кўрсатув ва роликлар;
ҳарбий-ватанпарварлик йўналишидаги адабиётлар;
электрон ва босма ахборот манбаалари (Интернет, газета, журнал ва ҳок.).

IV. Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг асосий йўналишлари ва босқичлари

22. Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишлари қуйидаги **йўналишларда** олиб борилади:

чакирувга қадар бўлган фуқаро ёшлар йўналишида;
армияда хизмат ўтаётган ҳарбий хизматчи ёшлар йўналишида.

23. Чакирувга қадар бўлган **фуқаро ёшлар йўналишида** олиб бориладиган ишлар таълим-тарбия муассасалари, маҳалла ва ташкилотлар кесимида қуйидаги тадбирларни ўз ичига олади:

жумладан, мактабгача таълим муассасаларида:

ҳарбий-ватанпарварлик руҳидаги шеър ва кўшиқ ўргатиш, эртак ва ҳикоялар етказиш;

театрлаштирилган сахна кўринишларини намойиш этиш;

тегишли мавзуларда расм чизиш, шакллар яшаш танловларини ўтказиш;

ҳарбий-ватанпарварлик руҳидаги мультфильмларни намойиш этиш;

ҳарбий-ватанпарварлик боғларига экскурсиялар уюштириш;

мактабга тайёрлов гуруҳларида “Мен ҳам ҳарбий бўламан!” шиори остида эстафеталар ўтказиш;

офицер, сержантлар, курсант ва “Темурбеклар мактаби” ўқувчилари иштирокида учрашувлар ташкил этиш.

умумий ўрта таълим мактабларида:

чакирувга қадар бошланғич тайёргарлик фанини ташкил этиш;

“Темурбеклар” ҳарбий-спорт ўйинларини ташкиллаштириш;

“Ватанга хизмат-шарафли бурч!” мавзусида иншолар ва расмлар танловини ўтказиш;

ҳарбий қисмларга экскурсияларни, “Очиқ эшиклар куни”ни уюштириш;
ҳарбий-ватанпарварлик акцияларини ўтказиш;
“Мардлик ва жасорат”, “Тинчлик”, “Мустақилик” дарсларини ўтказиш;
муддатли ҳарбий хизматчилар, курсантлар ва Қуролли Кучлар
фахрийлари иштирокида “Аскар (курсант) – мактаб меҳмони”, “Авлодлар
учрашуви”, номли маънавий-маърифий тадбирларини ташкил қилиш;
“Менинг дадам юрт ҳимоячиси” мавзусида учрашувлар уюштириш;
ҳарбий хизматчилар, Қуролли Кучлар фахрийлари ва “Темурбеклар
мактаби” ўқувчилари иштирокида учрашувлар ташкил этиш.

лицей, коллеж ва олий ўқув юртлирида:

чакирувга қадар бошланғич тайёргарлик фанини ташкил этиш;
“Бургут”, “Ёш чегарачи”, “Ёш кутқарувчи”, “Ёш ўт ўчирувчи” ҳарбий-
спорт ўйинларини ташкиллаштириш;
олий ўқув юртининг ҳарбий кафедралари талабалари ўртасида
“Алпомиш” ҳарбий-амалий спорт мусобақаларини ўтказиш;
ҳарбий-ватанпарварлик акцияларини ўтказиш;
ҳарбий қисмларга экскурсияларни ташкил қилиш, “Очиқ эшиклар куни”
тадбирида қатнашиш;
“Мардлик ва жасорат”, “Тинчлик”, “Мустақилик” дарсларини ўтказиш;
“Ватанимни кўз қорачиғидек асрайман”, “Юрт тақдири – менинг
тақдирим” мавзуларида иншолар танловини ташкил этиш;
ҳарбий-ватанпарварлик мавзусидаги бадиий ва ҳужжатли фильмларни
намоиш этиш ва уларнинг муҳокамасини ташкил қилиш;
уруш ва меҳнат fronti фахрийлари, Қуролли Кучлар фахрийлари
иштирокида “Эъзоз”, “Эҳтиром” номли маънавий-маърифий тадбирлар
ўтказиш;
“Мард ўғлон” давлат мукофотида сазовор бўлган ёшлар иштирокида
учрашувлар ўтказиш;
ҳарбий қисмларнинг тарғибот гуруҳларини тақлиф этган ҳолда
учрашувлар ташкил этиш.

Маҳалла ва ташкилотларда:

муддатли ҳарбий хизмат оддий аскарлари иштирокида ва ёшларни жалб
этган ҳолда “Аскар – маҳалла меҳмони” мавзусида маънавий-маърифий
тадбир ўтказиш;
ёшлар билан офицер, сержант, оддий аскарлар ҳамда курсантлар (таътил
вақтида) иштирокида “Биз, Сиз билан фахрланамиз” мавзусида учрашув ва
жонли мулоқотлар ташкил қилиш;
ёшларнинг кенг қатламларини жалб этган ҳолда муддатли ҳарбий
хизматдан қайтган ёшларни кутиб олишга бағишланган “Маҳалламиз фахри”
мавзусида маънавий-маърифий тадбир ўтказиш;

муддатли ҳарбий хизматга чақирилган ёшларни тантанали кузатиш олдидан ёшлар иштирокида “Оқ йўл сенга, юрт ҳимоячиси!” мавзусида маънавий-маърифий тадбир ташкил этиш;

Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи ҳудудий кенгашлари ҳузурида ташкил этилган “Жасорат” клублари фаолиятини самарали йўлга қўйиш;

меҳнат ярмаркаларини ташкил этиш;

хорижга чиққан ёшларнинг ота-оналари билан мақсадли ишларни олиб бориш;

ҳарбий-ватанпарварлик мавзуларида спорт марафонлари, фестивал ва акциялар ўтказиш.

24. Армияда хизмат ўтаётган **ҳарбий хизматчи ёшлар** йўналишида олиб бориладиган ишлар қуйидагилардан иборат:

маънавий-маърифий тайёргарлик ва маънавият соатлари;

ахлоқий-руҳий тайёргарлик ва ахборот бериш соатлари;

жанговар тайёргарлик ва қўшинлар хизмати тадбирлари;

ҳарбий анъаналарни, мамлакатимиз ҳаётидаги асосий байрамлар ва тарихий саналарни нишонлаш тадбирлари;

танловлар, интеллектуал ўйинлар, спорт мусобақалари, экскурсиялар ва маданий ҳордиқ тадбирлари;

хужжатли ва бадиий фильмлар, махсус кўрсатувлар намойиши ва муҳокамаси тадбирлари;

таниқли ёзувчи ва олимлар, фан ва санъат арбоблари, спорт намояндalари иштирокида ижодий учрашувлар, жонли мулоқот ва маданий кечалар;

семинарлар, конференциялар, давра суҳбатлари ва ҳок.

25. Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишлари қуйидаги тўрт **босқичда** амалга оширилади:

биринчи босқич (3-7 ёшдагилар) атрофдаги олам, Ватан ҳақида дастлабки тасаввурлар пайдо бўладиган босқич ҳисобланиб, унда оила ва мактабгача таълим муассасаларида болаларга тегишли йўналишлар бўйича шеърлар, қўшиқлар ўргатиш, эртак ва ҳикоялар айтиб бериш, расмлар чиздириш, ҳарбий музейлар ва маданият ва истироҳат боғларига экскурсиялар, спорт мусобақалари ташил этиш, давлат рамзлари (байроқ, герб, мадҳия) билан таништириш асосида уларда она юртга муҳаббат туйғуларини шакллантиришни ўз ичига олади;

иккинчи босқичда (7-16 ёшдаги болалар) ўқувчиларнинг Ватанга муҳаббати ва садоқатини мустаҳкамлаш, Она-юрт олдадаги фарзандлик бурчини юксак масъулият билан бажариш, уларда Қуролли Кучларимизга бўлган ишонч ва ижобий фикрларни янада кучайтириш, ҳарбий хизмат нуфузини ошириш, ёшларнинг жисмонан соғлом, маънавий етук, мустақил фикр юритадиган баркамол инсон сифатида шакллантириш каби эзгу ишларга даъват этилади;

учинчи босқич (16-18 ёшдаги ўсмирлар) ёшларда Ватанга ва унинг ҳимояси учун муносиб хизмат қилишга руҳан ва жисмонан тайёрликни таъминлашга йўналтирилади. Миллий армиямиз учун жисмонан бақувват ва маънан етук ёшлар зарурлиги, ҳарбий хизматнинг аҳамияти, Қуролли Кучларда олиб борилаётган ислохотлар ҳақида батафсил маълумот бериб борилади;

тўртинчи босқич (18-30 ёшдагилар) ёшларнинг жисмоний ва маънавий қобилияти, етакчилик кўникмалари ва интеллектуал салоҳияти, профессионал малакасини ошириш, эгаллаган касбига садоқати ва фидойилиги билан Ватан равнақи ва юрт тараққиётига салмоқли ҳисса қўшиш ва бунга эришишни назарда тутлади.

V. Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг шакл ва услублари

26. Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг асосий **шакллари**га: маъруза, суҳбат, учрашув, жонли мулоқот, мавзувий, бадий ва маданий кечалар, концерт, кўرғазмали чиқиш, экскурсия, зиёрат, марафон, фестивал, акция, ҳарбий-спорт ўйинлари, мусобақа, кўрғазма, тақдирот, танлов, викторина, семинар, конференция, давра суҳбати, ҳужжатли ва бадий фильмлар, махсус кўрсатув, роликлар намойиши ва бошқалар кирази.

27. Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашда миллий маънавиятимизга уйғун, синовдан ўтган ҳамда илмий асосга эга **услублари**ни қўллаш ижобий аҳамият касб этади, булар: тарғибот, ишонтириш, инонтириш, шахсий намуна, машқ қилдириш, рағбатлантириш, ўз-ўзини танқид қилиш кабилардан иборат.

VI. Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашда давлат ва нодавлат ташкилотлари билан ҳамкорлик механизми

28. Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишларини тизимли, босқичма-босқич ва самарали ташкил этиш мақсадида, аввало ҳудудлар бўйича аҳолини тоифаларга бўлиб, улар орасидан ёшларни, шу жумладан уюшган, уюшмаган ҳамда узоқ муддатга хорижга чиққан ёшларни ажратиб олиш мақсадга мувофиқ. Бу ишларни амалга ошириш учун ҳарбий бошқарув органлари тегишли вилоят ҳокимининг ёшлар сиёсатини ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари ҳамда Ички ишлар бошқармасининг масъул ходими билан ҳамкорликни ташкил этади ва асосий тарбия объектини аниқлаб олади.

29. Уюшган ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш борасида биринчи навбатда Ўзбекистон Ёшлар иттифоқининг ҳудудий, маҳаллий кенгашлари, унинг ташкилот ва муассасалардаги бошланғич ташкилот етакчилари билан ҳамкорлик ўрнатиш лозим. Чунки, мазкур ташкилотнинг ҳар қандай шаклдаги тадбирларга ёшларни қамраб олиш ва жалб этиш учун етарлича куч ва имкониялари мавжуд. Шу билан бирга, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқининг марказий ва ҳудудий кенгашларида фаолият юритаётган офицерлар ҳам ҳамкорликдаги тадбирларга яқиндан кўмак беради.

30. Уюшган ёшлар билан ишлашда Мактабгача таълим, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ва уларнинг ҳудудий бўлинмалари билан яқин ҳамкорлик ўрнатиш орқали мазкур қўлланманинг 23- бандида белгиланган тадбирларнинг қўламдорлиги ва натижадорлигига эришилади. Шу билан бирга, ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш тадбирларини юқори савияда, мазмунли ва самарали ўтказиш мақсадида Республика Маънавият ва маърифат маркази, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди, “Нуроний” жамғармаси, Хотин-қизлар кўмитаси, Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилоти, Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши ва уларнинг ҳудудий бўлимлари билан мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатиш лозим.

31. Уюшмаган ёшлар билан ишлаш борасида Ички ишлар, Бандлик ва меҳнат муносабатлари, Адлия вазирликлари, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди ва уларнинг ҳудудий бўлимлари ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан узвий ҳамкорлик ўрнатиш, унинг доирасида алоҳида ишлар тизимини (меҳнат ярмаркалари, тўғарақлар, ўқув марказлари, ҳуқуқий-тарғибот, клублар, устоз-шогирд анъанаси ва Бунёдкор ёшлар отряди фаолиятини) такомиллаштириш ҳар жиҳатдан муҳим саналади. Уюшмаган ёшлар билан ишлар асосан маҳаллалар кесимида олиб борилиши билан характерланади.

32. Ҳудудларда ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясига оид инфратузилмани (боғлар, марказлар, мажмуалар, клублар, музей ва кутубхоналар, қисм ва муассасалар ва ҳок.) шакллантириш ва ривожлантиришда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан яқин ҳамкорлик ўрнатилади. Шу каби, барча мактаблар, лицей ва коллежлар, биринчи навбатда махсус синф ва гуруҳлари мавжуд таълим муассасаларининг инфратузилмасини, чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик фани ўқув ва моддий-техник базасини мунтазам такомиллаштириб боришда ҳам тегишли маҳаллий ҳокимликлар билан ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилади.

33. Доимий жойлашув пунктлари бўйича ҳарбий қисм ва муассасаларга бириктирилган умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари билан ҳар йили 15 сентябрга қадар ҳамкорлик масалаларига оид ҳужжатларни (бириктириш тўғрисидаги буйруқ, йиллик тадбирлар қўшма режаси ва ҳок.) хатловдан ўтказиб, уларга заруратга кўра тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиб борилади ҳамда келгусидаги ҳамкорлик ишлари давом эттирилади.

VII. Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашни ташкил этиш бўйича мансабдор шахсларнинг иш тизими

34. Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишлари кўмондонлар (командирлар) ва бошлиқлар (раҳбарлар) томонидан шахсий таркиб билан олиб бориладиган ишларнинг ягона тизими ҳамда давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликдаги тадбирлар доирасида ташкил этилади. Бунда ҳарбий-ватанпарварлик, маънавий-ахлоқий тарбия ва ёшлар билан ишлашга масъул мансабдор шахслар тадбирни ғоявий-услубий ва амалий жиҳатдан таъминлашда асосий вазифани бажаради.

Бу каби ишлар жараёнида кўмондонлар, барча бўғиндаги командирлар ва мансабдор шахслар учун: *“Бугунги кунимиз ва келажакимизнинг ҳал қилувчи кучи бўлган ёшларни катта мақсадлар сари сафарбар этиш, ўз салоҳиятини намоён қилишлари учун зарур шароитлар яратиш ҳамда уларни ҳақиқий ватанпарвар, ҳар жиҳатдан комил инсонлар қилиб тарбиялаш ишларида сусткашликка йўл қўйиш – бу уларга нисбатан хиёнатдир”*, – деган ҳақиқат дастуриламал бўлиши керак.

35. Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашга доир тадбирларни самарали ташкил этиш бўйича кўмондонлар, барча бўғиндаги командир ва бошлиқларнинг (раҳбарларнинг) **иш тизими** қуйидагиларни ўз ичига олади:

ўтказиш муддати белгиланган ҳарбий-ватанпарварлик тадбири бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, юқори кўмондонлик (раҳбарият) кўрсатма ва топшириқлари талабидан келиб чиққан ҳолда вазифани аниқлайди;

қисқа фурсатларда амалга оширилиши лозим бўлган чораларни белгилайди, жумладан тегишли хизмат турлари (йўналишлар) бўйича мансабдор шахсларнинг соҳаларига доир аниқ ва мақсадли вазифаларни ишлаб чиқади;

тегишли йўналишлар бўйича мансабдор шахслар белгилаб берилган вазифалардан келиб чиқиб, ўз соҳасига оид чора-тадбирларни/режани ишлаб чиқади ва уларни амалга ошириш юзасидан кўмондон (командир), бошлиққа (раҳбарга) таклифларни беради;

кўмондон (командир), бошлиқ (раҳбар) киритилган таклифлар ва белгиланган вазифалардан келиб чиқиб тадбирнинг бош ғоясини/режасини ишлаб чиқади ва қарор қабул қилади;

кўмондон (командир), бошлиқ (раҳбар) тасдиқланган режа асосидаги тайёргарлик тадбирларининг боришини назорат қилади, мансабдор шахсларга амалий ва услубий ёрдам кўрсатади;

кўмондон (командир), бошлиқ (рахбар) тадбирнинг савиясини ошириш, мазмунан бойитиш ва юқори самарадорликка эришиш учун тегишли давлат ва нодавлат ташкилотлари, маҳаллий ҳокимликлар билан ҳамкорлик масаласини ҳал этади;

кўмондон (командир), бошлиқ (рахбар) тадбирни бошлашга тайёргарликни ва унинг вақтини белгилайди;

ҳарбий-ватанпарварлик тадбири якунидан сўнг унинг таҳлилинини ўтказиш, илғор тажрибани оммалаштириш, ғоявий-услубий ва моддий-техник базани такомиллаштириш чоралари кўрилади, мансабдор шахсларга тегишли вазифалар белгиланади.

36. Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш тадбирлари ҳарбий округ, бирлашма, қўшилма, ҳарбий қисм ва муассасаларнинг (ташкилотларнинг) ойлик тарбиявий ишлар режасида ҳамда дам олиш олди (байрам олди) ва дам олиш (байрам) кунлари режаларида кўзда тутилиши керак. Шунингдек, давлат байрамлари ва тарихий саналарни нишонлаш, ҳарбий таомилларни ўтказиш бўйича режаларга ҳам мазкур йўналишдаги тадбирлар киритилиши лозим.

VIII. Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг самарадорлиги ва кутилаётган натижа

37. Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг **самарадорлиги** – ташкил этилаётган ва ўтказилаётган тадбирларнинг ёшлар онги ва қалбига ижобий таъсир этиб, уларнинг интеллектуал, ижодий ва касбий салоҳиятини рўёбга чиқаришдаги фаоллиги ошгани, мустақил Ватанини ҳимоя қилиш ҳамда хавфсизлиги учун фуқаролик бурчи ва масъулиятини англаб етгани, давлат ва жамият манфаатлари йўлида ҳар қандай хизматга доимо шай туриш позицияси шаклланиши билан белгиланади.

38. Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашдан кутилаётган **натижа**, бу ватанпарварлик туйғуси юксак, замонавий билим, мустақкам ирода ва қатъий ҳаётий позицияга эга ёшларни олий таълим, олий ҳарбий таълим муассасаларига ўқишга киришлари, миллий армиямиз сафларида шартнома бўйича ҳарбий хизматни ўташлари, давлат органларида ва тадбиркорлик соҳаларида фаолият юритишларидан иборат.

Шу билан бирга, мазкур йўналишда олиб борилган ишлар пировардида мамлакатимизнинг барча соҳалари учун ватанпарвар, ўз касбига садоқатли ва ҳар томонлама етук кадрлар захирасини шакллантириш кўзда тутилган.

39. Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш борасида **“Келажаги буюк давлат қуришда, ёшлар ҳал қилувчи кучдир!”** – деган қатъий тамойилга амал қилиб, тизимли ишларни изчил ташкил этсак, бу йўлда бор куч ва имкониятларимизни сафарбар қилсак, албатта, муайян натижага эришишимиз муқаррар.



ЁШЛАРНИ ҲАРБИЙ-ВАТАНПАРВАРЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАШНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИ

**Ёшларни ҳарбий-
ватанпарварлик
руҳида
тарбиялашнинг
ДОЛЗАРБЛИГИ**

Мувофиқлаштирувчи ташкилотнинг мавжуд
эмаслиги ва ягона концепция ишлаб
чиқилмаганлиги

Давлат ва нодавлат ташкилотлари,
таълим муассасалари ва кенг
жамоатчилик иштирокининг сустлиги

Қуролли тузилмалар, давлат ҳокимияти
органлари, жамоат бирлашмалари ва таълим
муассасалари ўртасида самарали
ҳамкорликнинг йўқлиги

Мазкур ишларини принципиал жиҳатдан
янгича ёндашув асосида йўлга қўйиш ва
тизимга солишга ҳаётий муҳим эҳтиёж
сезилаётганлиги



ЁШЛАРНИ ҲАРБИЙ-ВАТАНПАРВАРЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАШНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИ

Ҳарбий-ватанпарварлик руҳидаги тарбия – тарбиявий ишларнинг таркибий қисми бўлиб, ёш авлодда Ватанни асрашда зарур бўладиган юқори мудофаа ҳиссини, сиёсий, ахлоқий, психологик сифатларни шакллантириш, ҳарбий-техник билимларни эгаллаш, шахснинг жисмоний такомиллашуви жараёнидир.

Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш – ёшларда Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуларини шакллантириш, уларни ўз фуқаролик бурчи ва конституцион мажбуриятларини бажаришга, давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя қилишга қодир шахслар этиб тарбиялашга қаратилган давлат ва нодавлат ташкилотлари, оила, маҳалла, таълим-тарбия институтларининг мақсадли, тизимли ва мувофиқлаштирилган фаолиятидир.





ЁШЛАРНИ ҲАРБИЙ-ВАТАНПАРВАРЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАШНИНГ МАҚСАДИ

Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашдан кўзланган мақсад – ёшларда Ватанга садоқат билан хизмат қилиш, юрт тинчлигини асраш, Ватан равнақи учун фаол бўлишга ундайдиган ижтимоий, маънавий-ахлоқий фазилатларни қарор топтириш, мамлакатимизнинг барча соҳалари учун жонкуяр, ҳалол, ўз касбига садоқатли ва етук кадрлар захирасини шакллантиришдан иборат.





ЁШЛАРНИ ҲАРБИЙ-ВАТАНПАРВАРЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАШ

ВАЗИФАЛАР

Ёшларни Ўзбекистон Республикаси, унинг халқи ва Президентига садоқат, юксак ватанпарварлик фазилатларини шакллантириш

Ёшларнинг фаол ҳаётий позицияси, Ватан тақдири учун масъулиятини кучайтириш, уларнинг ахборот-психологик ҳуружларга нисбатан мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш

Ёшларда буюк аجدодларимиз ҳамда Ўзбекистон мустақиллиги ҳимояси учун жон фидо этган қаҳрамонларимиз билан фахрланиш, уларга муносиб бўлиш туйғусини шакллантириш

Ёшларга буюк тарихимиз, миллий урф-одат, анъана ва қадриятларнинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини чуқур тушунтириш, улар қалбида миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини кучайтириш



ЁШЛАРНИ ҲАРБИЙ-ВАТАНПАРВАРЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАШ

ВАЗИФАЛАР

Ёшларнинг қалбига Ватанни ҳимоя қилиш ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчи эканлиги, Ватан чақириғига асосан уни ҳимоя қилишга доим шай туриш, юрт учун фидойи бўлиш лозимлигини чуқур сингдириш

Ёшларга Ватанимизнинг мустақиллиги, юртимиз барқарорлиги ва хавфсизлигини, халқимизнинг тинч ва осуда ҳаётини ҳимоялашда миллий армиямизнинг ўрни ва аҳамиятини, жанговар салоҳиятини кенг тушунтириш

Ёшларга оид давлат сиёсатининг моҳиятини, ёш авлодга кўрсатилаётган эътибор, уларга яратилаётган шарт-шароитларни аниқ мисоллар билан ёшларнинг онгига сингириб бориш

Ёшларнинг онгу шуурига ўз соҳасининг етук мутахассиси бўлишликни, эгаллаган касбига садоқати ва фидойилиги билан Ватан равнақи ва юрт тараққиётига салмоқли ҳисса қўшиш тушунчаларини етказиш



ЁШЛАРНИ ҲАРБИЙ-ВАТАНПАРВАРЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАШ ТИЗИМИ

Мазкур тарбия тизими – ўзаро алоқадор, бир-бирини тўлдирувчи ва ҳамкорликда олиб бориладиган сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, ғоявий-мафкуравий ва маданий-маърифий тадбирлар мажмуасидан иборат.





ЁШЛАРНИ ҲАРБИЙ-ВАТАНПАРВАРЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАШ ТИЗИМИ

СУБЪЕКТЛАРИ

давлат бошқаруви органлари;
жамоат бирлашмалари;
маҳаллий давлат ҳокимияти
органлари;
оммавий ахборот воситалари;
ҳарбий бошқарув органлари;
мактабгача таълим, умумий ўрта
таълим, ўрта махсус, касб-ҳунар
таълими ва олий таълим
муассасалари;
маданият муассасалари (театр,
музей, кинотеатр, кутубхона,
истироҳат боғлари, тарихий
обидалар);
спорт муассасалари (стадион, корт,
майдон ва мажмуалар);
болалар соғломлаштириш ором-
гоҳлари;
миллий ва умумбашарий
қадриятлар, маданият, адабиёт,
санъат.

ОБЪЕКТЛАРИ

мактабгача таълим
муассасалари
тарбияланувчилари;
умумий ўрта таълим
муассасалари ўқувчилари;
ўрта махсус, касб-ҳунар
таълими муассасалари
ўқувчилари;
олий таълим муассасалари
талабалари;
олий ҳарбий таълим
муассасалари курсантлари ва
тингловчилари;
ҳарбий хизматчи ёшлар;
корхона ва ташкилотларда
фаолият олиб бораётган ёшлар;
уюлмаган ёшлар.

ПРИНЦИПЛАРИ

очиқлик ва шаффофлик;
илмийлик, тарихийлик;
аниқлик ва тезкорлик;
мунтазамлилик ва фаоллик;
таълим-тарбия жараёнининг
уйғунлиги ва изчиллиги;
ёшлар ташаббуси ва
қизиқишларини қўллаб-
қувватлаш, рағбатлантириш;
эришилган ижобий
натижаларга таяниш.



ЁШЛАРНИ ҲАРБИЙ-ВАТАНПАРВАРЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАШ ТИЗИМИ

КУЧЛАР:

ҳарбий хизматчилар;
ҳарбий пенсионерлар;
захирадаги ҳарбий
хизматчилар;
ҳарбий қисм ва
муассасаларнинг тарғибот-
ташвиқот гуруҳлари;
олий ҳарбий таълим
муассасалари;
мудофаа ишлари бошқарма
ва бўлимлари;
“Темурбеклар мактаблари”;
ҳарбий касбга
йўналтирилган лицей
ва коллежлар.

ЁШЛАР

ВОСИТАЛАР:

қурол-яроғ ва ҳарбий
техникалар;
ўқув тренажёрлари, махсус
жиҳозланган синф, хона ва
жойлар;
ҳарбий кийим-кечак ва махсус
анжом-аслаҳалар;
кўргазмали-ахборот
материаллари (слайд,
инфографика, конспект ва ҳок.);
тарғибот-ташвиқот
материаллари (баннер, плакат,
панно, флайр ва ҳок.);
ҳужжатли фильм, махсус
кўрсатув ва роликлар;
ҳарбий-ватанпарварлик
йўналишидаги адабиётлар;
электрон ва босма ахборот
манбаалари (Интернет,
газета, журнал ва ҳок.).



ЁШЛАРНИ ҲАРБИЙ-ВАТАНПАРВАРЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАШНИНГ ЙЎНАЛИШЛАРИ

- чақирувга қадар бўлган фуқаро ёшлар
- армияда хизмат ўтаётган ҳарбий хизматчи ёшлар





ЁШЛАРНИ ҲАРБИЙ-ВАТАНПАРВАРЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАШНИНГ ШАКЛ ВА УСЛУБЛАРИ

ШАКЛЛАРИ

маъруза, суҳбат, учрашув, жонли мулоқот, мавзувий, бадиий ва маданий кечалар, концерт, кўргазмали чиқиш, экскурсия, зиёрат, марафон, фестивал, акция, ҳарбий-спорт ўйинлари, мусобақа, кўргазма, тақдимот, танлов, викторина, семинар, конференция, давра суҳбати, хужжатли ва бадиий фильмлар, махсус кўрсатув, роликлар намоиши.

УСЛУБЛАРИ

тарғибот, ишонтириш, инонтириш, шахсий намуна, машқ қилдириш, рағбатлантириш, ўз-ўзини танқид қилиш





ЁШЛАРНИ ҲАРБИЙ-ВАТАНПАРВАРЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАШДА ДАВЛАТ ВА НОДАВЛАТ ТАШКИЛОТЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИК



Ички ишлар вазирлиги



Миллий гвардия



Фавқулодда вазиятлар вазирлиги



Миллий хавфсизлик хизмати



Мақтабгача таълим вазирлиги



Халқ таълими вазирлиги



Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги



Нодавлат нотижорат ташкилотлари



Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги



Маънавият ва маърифат маркази



Соғлиқни сақлаш вазирлиги



Ҳарбий-маъмурий сектор раҳбари (Дармавоқифотин Республикаси Жумҳурияти Республика раҳбари, Соҳиботин кенгаши ва кўмакчилар қўмитаси)



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
ЁШЛАР ИТТИФОҚИ



Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши ва унинг минтақавий бўлимлари



Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши органларининг мувофиқлаштириш Республика Кенгаши



Хотин-қизлар қўмитаси



"Нуроний" жамғармаси



ЁШЛАРНИ ҲАРБИЙ-ВАТАНПАРВАРЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ БЎЙИЧА МАНСАБДОР ШАХСЛАРНИНГ ИШ ТИЗИМИ

1

ўтказиш муддати белгиланган ҳарбий-ватанпарварлик тадбири бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, юқори қўмондонлик (раҳбарият) кўрсатма ва топшириқлари талабидан келиб чиққан ҳолда вазифани аниқлайди

2

қисқа фурсатларда амалга оширилиши лозим бўлган чораларни белгилайди, жумладан тегишли хизмат турлари (йўналишлар) бўйича мансабдор шахсларнинг соҳаларига доир аниқ ва мақсадли вазифаларни ишлаб чиқади

3

тегишли йўналишлар бўйича мансабдор шахслар белгилаб берилган вазифалардан келиб чиқиб, ўз соҳасига оид чора-тадбирларни/режани ишлаб чиқади ва уларни амалга ошириш юзасидан қўмондон (командир), бошлиққа (раҳбарга) таклифларни беради

4

қўмондон (командир), бошлиқ (раҳбар) киритилган таклифлар ва белгиланган вазифалардан келиб чиқиб тадбирнинг бош ғоясини/режасини ишлаб чиқади ва қарор қабул қилади

5

қўмондон (командир), бошлиқ (раҳбар) тасдиқланган режа асосидаги тайёргарлик тадбирларининг боришини назорат қилади, мансабдор шахсларга амалий ва услубий ёрдам кўрсатади

6

қўмондон (командир), бошлиқ (раҳбар) тадбирнинг савиясини ошириш, мазмунан бойитиш ва юқори самарадорликка эришиш учун тегишли давлат ва нодавлат ташкилотлари, маҳаллий ҳокимликлар билан ҳамкорлик масаласини ҳал этади

7

қўмондон (командир), бошлиқ (раҳбар) тадбирни бошлашга тайёргарликни ва унинг вақтини белгилайди

8

ҳарбий-ватанпарварлик тадбири якунидан сўнг унинг таҳлилинини ўтказиш, илғор тажрибани оммалаштириш, ғоявий-услубий ва моддий-техник базани такомиллаштириш чоралари кўрилади, мансабдор шахсларга тегишли вазифалар белгиланади



ЁШЛАРНИ ҲАРБИЙ-ВАТАНПАРВАРЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАШНИНГ САМАРАДОРЛИГИ ВА КУТИЛАЁТГАН НАТИЖА

Келажаги буюк давлат қуришда, ёшлар ҳал қилувчи кучдир!

САМАРАДОРЛИГИ

Ташкил этилаётган ва ўтказилаётган тадбирларнинг ёшлар онги ва қалбига ижобий таъсир этиб, уларнинг интеллектуал, ижодий ва касбий салоҳиятини рўёбга чиқаришдаги фаоллиги ошгани, мустақил Ватанини ҳимоя қилиш ҳамда хавфсизлиги учун фуқаролик бурчи ва масъулиятини англаб етгани, давлат ва жамият манфаатлари йўлида ҳар қандай хизматга доимо шай туриш позицияси шаклланиши билан белгиланади

КУТИЛАЁТГАН НАТИЖА

Ватанпарварлик туйғуси юксак, замонавий билим, мустаҳкам ирода ва қатъий ҳаётий позицияга эга ёшларни олий таълим, олий ҳарбий таълим муассасаларига ўқишга киришлари, миллий армиямиз сафларида шартнома бўйича ҳарбий хизматни ўташлари, давлат органларида ва тадбиркорлик соҳаларида фаолият юритишларидан иборат

ТУГАЛ НАТИЖА

Мазкур йўналишда олиб борилган ишлар пировардида мамлакатимизнинг барча соҳалари учун ватанпарвар, ўз касбига садоқатли ва ҳар томонлама етук кадрлар захирасини шакллантириш кўзда тутилган

